

2019 йил 16-октябрь ойининг 23-кунги жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят Булунғур туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Булунғур туман “Улуғбек” маҳалла фуқаролар йиғинининг [REDACTED] шай биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.Худайбердиев, судья ёрдамчи [REDACTED] штайлоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Булунғур туман [REDACTED] курори ёрдамчиси Ш.Мардиев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “Ишонч нажоти” адвокатлик бюроси адвокати Ғ.Юлдашев ҳамда жабрланувчи [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1- [REDACTED] сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи:

[REDACTED], 1 [REDACTED] йил [REDACTED] куни [REDACTED] вилояти [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] вилояти [REDACTED] тумани “ [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 16.10.2019 йилда олган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2019 йил [REDACTED] куни соат 06⁰⁰ларда [REDACTED] га тегишли бўлган “Нексия-1” русумли [REDACTED] рақамли автомашинани [REDACTED] тумани “ [REDACTED] маҳалласидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлининг “Самарқанд-Тошкент” йўналиши 1041 километрида бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 77-бандига кўра “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф

юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ушбу ҳолат юзасидан тайинланган Ғаллаорол туман суд тиббиёт экспертизаси бюросининг 2019 йил 26 сентябрь кунидаги 700-сонли хулосасида, фуқаро [REDACTED] нинг танасида яъни ўнг ёпиқ кранацерибрал травма бош мия чайқалиши, ўнг томон кичик болдир суяги юқори учлигидан ёпиқ парчаланиб силжиб синиши, бошнинг тепа соҳаси, чап болдир чап сон соҳаси, чап билак соҳасида шилинган жароҳатлари, қаттиқ ўтмас жисмга урилиши натижасида ва қарорда кўрсатилган йўл улов ходисаси натижасида олиниши мумкинлиги, тан жароҳатлари “ЎРТАЧА ОҒИР ШИКАСТЛАР” гуруҳига кириши ва жароҳатларнинг етказилган вақти 2019 йил 25 сентябрь кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан тайинланган Ғаллаорол туман суд тиббиёт экспертизаси бюросининг 2019 йил 26 сентябрь кунидаги 700-сонли хулосасида, фуқаро [REDACTED] нинг танасида яъни ўнг ёпиқ кранацерибрал травма бош мия чайқалиши, ўнг томон кичик болдир суяги юқори учлигидан ёпиқ парчаланиб силжиб синиши, бошнинг тепа соҳаси, чап болдир чап сон соҳаси, чап билак соҳасида шилинган жароҳатлари, қаттиқ ўтмас жисмга урилиши натижасида ва қарорда кўрсатилган йўл улов ходисаси натижасида олиниши мумкинлиги, тан жароҳатлари “ЎРТАЧА ОҒИР ШИКАСТЛАР” гуруҳига кириши ва жароҳатларнинг етказилган вақти 2019 йил 25 сентябрь кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] ўз кўргазмасида, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси борлигини, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билишлигини, у [REDACTED] ни 10 йиллардан буён танишлигини, [REDACTED] 2019 йил баҳор ойларида “Нексия-1” русумли [REDACTED] рақамли автомашинани сотиб олганлигини, ўзи автомашина ҳайдашни билмаслигини, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини, [REDACTED] унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги сабабли ушбу машинани бошқаришга уни суғурта қилдирганлигини, агарда бирор жойда бормоқчи бўлса уни ҳайдовчи сифатида олиб борганлигини, ўзи ёнида ўтиришлигини, 2019 йил 24 сентябрь куни 18⁰⁰ ларда Тошкент шаҳрига кетиш учун яшаш уйидан йўлга чиқишганлигини, автомашинани у бошқартганлигини, автомашина эгаси [REDACTED] олдига ўтирганлигини, автомашинада бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, 2019 йил 25 сентябрь куни соат 05⁰⁰ ларда [REDACTED] умани [REDACTED] маҳалласи М-39 автомобиль йўлининг 1042 километрида темирйўл кесишмаси устидан ўтган кўприк устидан ўтаётган вақтида автомашинани тахминан 70 км/с тезликда Самарқанд-Тошкент йўнилишида бошқариб келганлигини, у ҳаракатланиб келаётган йўл асфальт қопламали, йўл кўз билан қаралганида текис, қуруқ ҳолатдалигини, йўл кўришини чекланмаганлигини, тонг ёришиб қолганлигини, темирйўл устидаги кўприкдан ўтаётган вақтида йўлнинг қандайдир нотекис жойидан ўтаётган вақтида руль бошқарувини йўқотиб қўйганлигини ва автомашинани ўнг олд ён қисми йўлнинг ўнг четки қисмида жойлашган бетон тўсиқ-бардиёрга бориб урилганлигини, шундан сўнг у умуман автомашина бошқарувини йўқотганлигини, автомашина тормозини ҳам боса олмаганлигини, шундан сўнг автомашина

йўлнинг чап четки қисмига урилиб кейин тўхтаганлигини, шу сабабли автомашина бетон тўсикка урилганлигини, кейин у автомашинадан тушганлигини, орқадан келган йўловчи автомашиналар ҳам келиб тўхтаганлигини, унинг ёнида ўтирган автомашина этаси [REDACTED] нинг оёғи синганлигини, кейин бир нотаниш кишининг Нексия автомашинасида [REDACTED] ни Ғаллаорол тумани ҳиббийёт бирлашмасига олиб борганлигини, кейин унга шифокорлар бир [REDACTED] ббий ёрдамни кўрсатганлигини, ҳозирги кунда содир этган қилмишид [REDACTED] кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи [REDACTED] дан кечирим сўраганлигини, аммо у уни кечирмаётганлигини, бошқа бундай жиноят содир этмаслигини, оилавий шароити оғирлигини, шу сабабли суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида унга қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлсада, унинг айби судда сўралган жабрланувчининг кўргазмалари ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] ўз кўргазмасида, ҳақиқатдан ҳам у ҳозирги кунда оиласи билан биргаликда [REDACTED] вилояти [REDACTED] шаҳар, [REDACTED] т маҳалласи “ [REDACTED] ” кўчаси [REDACTED] -уйда яшаб келаётганлигини, 2019 йил [REDACTED] куни [REDACTED] дан “Нексия-1” русумли [REDACTED] рақамли автомашинани сотиб олганлигини, аммо унинг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини, шу сабабли ушбу автомашинани бошқармаслигини, ушбу автомашинани у билан биргаликда ёшлигидан буён устачилик қилиб юрадиган [REDACTED] нинг ҳайдовчилик гувоҳномаси борлиги сабабли уни автомашинани бошқаришга ўзи рухсат берганлигини, унинг номига 2019 йил [REDACTED] куни суғурта ҳам қилдирганлигини, у бирор жойда бормоқчи бўлса, [REDACTED] ни ўзи билан ҳайдовчи тариқасида олиб кетганлигини, 2019 йил 10 сентябрь куни Сурхондарё вилоятида бир қариндоши вафот этганлиги сабабли [REDACTED] га бориб келишини айтганлигини, кейин у рози бўлганлигини ва иккаласи Сурхондарё вилоятига келишганлигини, кейин 2019 йил 24 сентябрь куни 18⁰⁰ ларда Сурхондарё вилоятидан Тошкент шаҳрига кетиш учун йўлга чиқишганлигини, автомашинани [REDACTED] бошқарганлигини, у ҳайдовчи ёнидаги ўриндикда ўтириб кетаётганлигини, автомашинада бошқа ҳеч ким бўлмаганлигини, 2019 йил [REDACTED] куни соат 05⁰⁰ ларда [REDACTED] тумани [REDACTED] маҳалласи М-39 автомобиль йўлининг 1042 километрида темирйўл кесишмаси устидан ўтган кўприк устидан ўтаётган вақтида автомашинани тахминан 70 км/с тезликда Самарқанд-Тошкент йўнилишида бошқариб келаётганлигини, темирйўл устидаги кўприкдан ўтаётган вақтида йўлнинг қандайдир нотекис жойидан ўтаётган вақтида [REDACTED] руль бошқарувини йўқотиб қўйганлигини ва автомашинанинг ўнг олд ён қисми у ўтирган тарафи йўлнинг ўнг четки қисмида жойлашган бетон тўсик-бардиёрга бориб урилганлигини, биринчи урилган вақтида унинг ўнг оёғига урилганлигини, кейин автомашина йўлнинг

чап четки қисмидаги бардиёрга урилганлигини, шундан сўнг унинг ўнг оёғида каттик оғрик бўлганлиги, у тараф автомашинани эниги уни қисиб турганлиги сабабли [REDACTED] ва бошқа ҳайдовчи йўловчилар у утирган эшикни тортиб очиб, уни чиқариб олишганлигини, кейин уни йўловчи автомашинада Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмасига олиб боришганлигини, шифокорлар унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатганлигини, ушбу йўл транспорт ҳодисаси [REDACTED] нинг йўлнинг ҳоли ҳисобга олмай бошқарганлиги, тажрибаси камлиги учун бошқарувни йўқотганлиги сабабли содир бўлганлигини, у ҳозирги кунга қадар шифохонада ётиб даволаниб келаётганлигини, судланувчи [REDACTED] ундан кечирим сўрамасдан, етказилган моддий ва маънавий зарарни қопламаганлигини, у билан ярашмаслигини, ҳозирги кунда унга қанча миқдорда зарар етказилганлигини билмаслигини, хали келажақда оёғини шифокорлар яна операция қилиш лозимлигини айтганлигини, шу сабабли судланувчи [REDACTED] га нисбатан даъвоси борлигини, шу сабабли ундан унга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраганлиги ҳақидаги,

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] нинг айби, жиноят ишининг дастлабки тергов ҳужжатлари, яъни билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённомаси ва унга илова қилинган чизма, фотожадваллар, тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертиза хулосаси сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, шахснинг ҳаёти учун хавфли бўлган ўртача оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини ҳисобга олиш билан биргаликда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, унга айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш иши

Жазони, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати уни [REDACTED] вилояти [REDACTED] тумани ички ишлар органлари бўлигида ишлаган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш у яшаётган ҳудуд бўйича [REDACTED] вилояти [REDACTED] тумани ички ишлар органлари пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 61-моддасига асосан тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган “муносиб хулқ атвор бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят натижасида жабрланувчи [REDACTED] га етказилган моддий ва маънавий зарар масаласида зарар суммасини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 276-моддасига мувофиқ фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақли эканлигини тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Ф.Худайбердиев